

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ ТАДҚИҚОТЛАРИГА ИЛМИЙ ШАРҲ: МУАММОДАН АМАЛИЙ НАТИЖА САРИ

**Илҳомжон Аҳмедович Турсуналиев**

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази директори, доцент  
E-mail: [tursunaliev1971mail.ru](mailto:tursunaliev1971mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада 2016-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида ўзбек тили ихтисослигидан жисмоний тарбия ва спорт атамаларига боғлиқ муаммоларнинг таҳлили ва истиқбол тадқиқотлар зарурати ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** ўзбек тили, жисмоний тарбия, спорт, тадқиқот, “спорт” семемали бирлик, спорт атамашунослиги.

### SCIENTIFIC REVIEW OF PHYSICAL CULTURE AND SPORTS RESEARCH: PRACTICAL RESULTS OF PROBLEMS

**Ihomjon Akhmedovich Tursunaliev**

Associate Professor, Director of the Center for Scientific and Methodological Support, Retraining and Advanced Training of Physical Culture and Sports,  
Tashkent, Uzbekistan

E-mail: [tursunaliev1971mail.ru](mailto:tursunaliev1971mail.ru)

### ABSTRACT

This article provides an analysis of the problems associated with the terms of physical education and sports in the Uzbek language in the Republic of Uzbekistan in 2016-2021 and comments on the need for future research.

**Keywords:** Uzbek language, physical education, sports, research, semantic unit “sport”, sports terminology.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ–5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [1], 2020 йил

20 октябрдаги ПФ–6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сифатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари [2] ижросини таъминлаш, шунингдек, халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тилини тарғиб қилиш ҳамда ўзбек тилшунослиги соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартдаги “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сонли қарори [3] қабул қилинган.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестацияси натижалари кўра, 2015-2021 йилларда “10.00.01 – Ўзбек тили (филология фанлари)” ихтисослиги бўйича 124 та диссертация иши ҳимоя қилинган. Улардан 108 таси фалсафа доктори (PhD), 16 таси фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқотлар саналади [4].

Мазкур диссертацион тадқиқотларда фақат биттасидагина, яъни Шокирова Махбуба Назирғуломовнанинг “Ўзбек тилидаги “спорт” семемали бирликларнинг структур-семантик тадқиқи” номли тадқиқот ишидагина жисмоний тарбия ва спорт соҳаси атамалари билан боғлиқ муаммолар ўрганилган [4]. Муаллиф тадқиқотларида “от ва от спорти билан боғлиқ одатларни ифодаловчи лексемалар” мазмун ва моҳиятига асосий эътиборини қаратган [5]. Сўнгги 5 йилда 10.00.01 – Ўзбек тили (филология фанлари) ихтисослигидан ҳимоя қилинган умумий тадқиқотларнинг 0,0088 фоизи жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид муаммолар улушига тўғри келади.

### **НАТИЖАЛАР**

Таҳлилларга кўра, М.Н. Шокирова тадқиқотининг илмий янгилиги сифатида қуйидагиларни:

(1) ўзбек тили умумлисоний лексикаси, спорт соҳавий бирликлари ва терминологик қатламга доир луғавий бирликларнинг истеъмол даражаси очиқ берилганлигини;

(2) “спорт” семемали шахс, предмет ва жараён номларини англлатувчи лексемаларнинг семантик белгилари аниқланганлигини;

(3) соҳавий бирликлар таркибидаги курашмоқ, тепмоқ, югурмоқ, сакрамоқ сингари лексемаларнинг синтагматик муносабати орқали уларнинг локал ва темпорал валентликлари асосланганлиги;

(4) ўзбек миллий кураши ва от спортига доир улоқ, кўпкари, кураш, қиличбозлик каби луғавий бирликларнинг лингвокультурологик асослари очиб берилганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин [4].

Шунингдек, ўзбек тилидаги “спорт” семемали бирликларнинг структур-семантик ва лингвокультурологик тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида: терминологик лексикасининг тараққиёти, соҳавий лексик системанинг семантик хусусиятлари, спорт терминларининг лингвистик табиати билан боғлиқ натижалардан 2017-2018 йилларда бажарилган И–2017-1-14/3 рақамли “Ўқувчи ёшлар учун олимпия таълимининг самарали тизимини яратиш” номли инновацион лойиҳада фойдаланилган. Натижада спорт терминлари, умумтил материалларидан тўғри ва самарали фойдаланишга эришилган, зарурий ўринларда уларнинг ўзбекча муқобилига алмаштиришда фойдаланилган.

Ўзбек тилидаги спортга оид тушунчаларнинг лингвокультурологик таҳлилига доир назарий қарашлар, амалий тавсиялардан 2015-2017 йилларда бажарилган А–1-099 рақамли “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизлигини таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” номли амалий лойиҳада фойдаланилган. Натижада халқ ўйинлари, миллий спортга хос сўзлар, умумтил материалларидан ўринли фойдаланишга эришилган [3].

Шунингдек, 2017-2021 йилларда “13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)” ихтисослиги бўйича 51 та диссертация иши ҳимоя қилинган. Улардан 49 таси фалсафа доктори (PhD), 2 таси фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқотлар саналади [3]. Лекин таҳлилларимиз натижасига кўра, сўнгги 4 йилда бирорта изланишнинг тадқиқот предмети сифатида “спорт атамашунослиги” ўрин олмаган.

Мазкур муаммонинг бевосита ечимига қаратилган амалий иш сифатида, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2020 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ–6084-сон Фармони ижросини таъминлаш” тўғрисидаги 1237-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинган. Унга кўра, “Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”, “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид энциклопедия ва луғатларни яратиш” бўйича илмий-иждоий гуруҳлари таркиби тасдиқланди.

Ҳозирда илмий-иждоий гуруҳ томонидан:

- спорт энциклопедияси;
- спорт жиҳозларининг ўзбек тилида номланиши;
- жисмоний тарбия ва спорт атамалари луғати ҳамда изоҳли луғати;
- спорт соҳасига оид ўзбек тилига хорижий тиллардан ўзлаштирилган сўз ва атамалар луғати ҳамда изоҳли луғати;
- спорт турлари бўйича сўз ва атамалар ҳамда изоҳли луғати яратилмоқда.

## МУҲОКАМА

Таҳлиллардан кўринадики, бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт бўйича атамаларни ўзбек тилида муқобиллаштириш муаммосини тадқиқ этиш жуда ҳам суст равишда кечмоқда. Сўнгги йилларда чоп этилаётган ёки нашр этишга рухсат берилган қатор ўқув адабиётларида, айниқса, “спорт жиҳозлари”, “спорт анжомлари”, “спорт асбоблари” ва бошқаларнинг ўзбекчалашган муқобиллари турли кўринишларда берилмоқда. Масалан, спорт гимнастикаси бўйича жиҳозлардан бирининг номи бир ўқув адабиётида “козёл”, яна бирида “конь”, бошқасида “эшак” ва (ёки) “улоқча” тарзида ёзилишини учратиш мумкин.

## ХУЛОСА

Биринчидан, истиқболда бу каби жисмоний тарбия ва спорт соҳаси атамашунослиги билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишда, соҳа мутахассислари ўзбек тили мутахассислари билан ҳамкорликда фундаментал, амалий, инновацион тадқиқот ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ саналади.

Иккинчидан, мазкур тадқиқотлар натижасига таяниб, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошчилигида “Жисмоний тарбия ва спорт энциклопедия”сини тузиш ва истеъмолга киритиш зарур ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ–

5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / <https://lex.uz/pdfs/4561730>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ–6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / <https://lex.uz/pdfs/5058351>

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартдаги “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сонли қарори / <https://lex.uz/docs/4759743>

4. <http://oak.uz/pages/3102>

5. Шокирова М.Н. От ва от спорти билан боғлиқ одатларни ифодаловчи лексемалар // «GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA» атты V Халықар. ғыл.-тәж. конф. материалдары (VI ТОМ)/ Қўраст.: Е. Ешим, Е. Абиев т.б. – Астана, 2019. – Б. 5–9.